

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши	187
Н.Полвонов	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат	189
О.А.Yuldashev	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари	192
И. Исмаилов	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862)	195
Р. Дусчанов	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида)	198
Р. Джураев	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида)	202
М.Темирова	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991)	205
О.Халилов	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан	209
Д. Камбарова	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш	212
Қ.Кахаров	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари	214
Ф. Дадабаева	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси	217
Г. Азамжонова	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири	220
Н.Мерганова	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари	224
М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти	227
А.Х.Зинатуллина	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш	230
Ф.Анварова	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси	233

УДК:

**ХАЛҚ ҲАЁТИДА РАДИОДАСТУРЛАР РОЛИНИНГ ОШИБ БОРИШИ ВА УЛАРНИНГ
ҒОЯВИЙ-МАЪНАВИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ
(1927-1991)
ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ РАДИОПЕРЕДАЧ В ЖИЗНИ ЛЮДЕЙ И ИХ ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ И
ДУХОВНЫЕ ФУНКЦИИ
(1927-1991)
THE GROWING ROLE OF RADIO PROGRAMS IN THE LIFE OF THE PEOPLE AND THEIR
IDEOLOGICAL AND SPIRITUAL FUNCTIONS
(1927-1991)**

М.Темирова¹

¹М.Темирова

*ҚДПИ, тарих ўқитиш методикаси кафедраси
ўқитувчиси.*

Аннотация

Мақолада республика радиосининг халқ ҳаётидаги ролининг ошиб бориши ҳамда маданий, ижтимоий, иқтисодий соҳадаги билимларини бойитишга қўшган ҳиссаси очиб берилган. Шунингдек мақолада ҳудудий радиоэшиттиришлар, уларнинг моҳияти ва бу эшиттиришларнинг амалий аҳамияти ёритилган. Радио орқали бериб борилган эшиттиришларнинг аҳоли онига синдирилиши орқали жамият учун келтирган ижобий натижалари алоҳида тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье раскрывается растущая роль национального радио в жизни народа и его вклад в обогащение знаний в культурной, социальной и экономической сферах. В статье также рассматриваются региональные радиопередачи, их сущность и практическая значимость этих передач. Отдельно исследовано положительное влияние радиопередач на сознание и культурно-образовательный уровень общества.

Annotation

The article reveals the growing role of national radio in the life of the people and its contribution to the enrichment of knowledge in the cultural, social and economic spheres. The article also describes regional radio broadcasts, their essence and the practical significance of these broadcasts. The positive effects of radio broadcasts on society through their inclusion in the minds of the population have been studied separately.

Таянч сўз ва иборалар: радиоэшиттириш, эшиттириш, радиотўлқин, радиодастур, радиокарнай, радиомарказ, радиогазета, тингловчилар, колхоз, аҳоли.

Ключевые слова и выражения: радиопередача, передача, радиоволна, радиопрограмма, репродуктор, радиоцентр, радиогазета, слушатели, колхоз, население.

Keys words and expressions: radio broadcast, broadcast, radio wave, radio program, radio speaker, radio center, radio newspaper, listeners, kolkhoz, population.

Радио, ҳеч муболағасиз, халқ маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган муҳим омиллардан бири саналади. Унинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқли томони шундаки, фақат жонли сўз ва овоз воситасидагина тингловчига муайян фикр аниқ-равшан етказилади.

1927 йилдан Ўзбекистон радиоси ўзининг дастлабки эшиттиришларини бошлаганида уни тинглаётган халқ радиого мўъжиза, деб қараган эди. 1928 йили Тошкент шаҳрининг чеккасидаги Эшонбозор қишлоғига радиоприёмник ўрнатилганда, одамлар кун бўйи радиокарнай ёнидан жилмай, эшиттиришларни зўр қизиқиш билан тинглаганлар. Кеч бўлиши билан маҳалла гузарларига одамлар сиғмай кетарди. Ҳамма радиоприёмник ўрнатилган жойга яқинроқ ўтиришга ҳаракат қиларди. Улар “Пахта учун

кураш” радиогазетасини ҳар куни тинглашга одатланган эдилар. Радиогазетада экиш мавсумини намунали ўтказиш учун колхозлар ўртасидаги мусобақалар ҳақидаги маълумотлар эшиттирилган. Шундан сўнг одамлар интиқ кутаётган мусиқий дастур бошланган [1,7-8]

Республика радиоси ташкил этилган дастлабки йилларда радиокарнайлар фақатгина кўчалар, маҳалла гузарлари, чойхоналарга ўрнатилган бўлиб, хонадонларга радио ҳали етиб бормаганди. Шу сабабдан одамлар радиони тинглаш учун ҳар куни радиокарнайлар ўрнатилган марказларга бориб, радиони тинглаганлар. Жумладан, 1927 йилда Бухоро вилоятида ташкил этилган радиокарнай Лаби ҳовуз бўйига ўрнатилган. Бу карнайдан Москвадан берилаётган эшиттиришлар кун бўйи эшиттириб турилган. Бу ерга вилоятнинг чекка

ҳудудларидан ҳам деҳқонлар оилалари билан радио тинглашга келишган. Улар Тошкентдан бериладиган ўзбек тилидаги эшиттиришларни ҳам қизиқиш билан тинглаган [2]лар.

Республика қишлоқларини радиолоштириш жараёнида маданий ташкилотларга муллалар томонидан турли қаршиликлар бўлган. Жумладан, Когонда рўза ойларида бир неча жойлардаги радионуктапар намоз ўқишга ҳалақит қилганлиги учун баъзи муллалар радиокарнайларни яроқсиз ҳолга келтиришган [3]. Аммо аста-секинлик билан халқ ўз хоҳишига кўра радиоприёмник ўрнатиб беришларини сўраб, радиомарказга аризалар билан мурожаат қилишган. Наманганда ҳаттоки, паранжили аёллар ҳам радиоприёмник ўрнатиб беришларини сўраб шаҳар радиоузели ходимларига ариза ташлаб кетган [4,8]лар. Бундай мисоллар шуни кўрсатадики, радио республика аҳолиси учун бирданига кириб келгани қанчалик янгилик бўлмасин, шу жамиятдаги халқнинг деярли барчасини ўзига жалб эта олди.

Тошкентда радиостанция ишга тушган пайтдан (1927 йил 11 февраль) икки йил мобайнида радиога 2 мингтадан ортиқ хат келган. Уларнинг 90 фоизида эшиттиришлар халққа манзур бўлаётгани ва улар бундан жуда мамнун эканликларини билдирган [5.23]лар.

Радио аста-секинлик билан ўз фаолиятини кенгайтириб борди. Эшиттиришлар вақти кўпайиб, мазмуни кенгайиб борди. 1928 йилнинг январидан биринчи марта Тошкентдаги Свердлов номли театр залидан “Дубровский” операси олиб эшиттирилди. Шу муносабат билан ишчилардан бир гуруҳи “Правда Востока” газетаси редакциясига хат йўллаб, унда Свердлов театрида бўлмаса-да, “Дубровский” операсини эшитиш имкониятига эга бўлганликларидан мамнун эканликларини маълум қилади [6.48-варақ].

1927 йилда республика радиозэшиттиришларида етакчилик қилган ахборот дастурлари ўрнига 1928-1929 йилларда радиода аҳолини эстетик жиҳатдан тарбиялашга ҳам хизмат қилувчи дастурлар ва эшиттиришларга кенгроқ вақт ажаратила бошланди. Бу дастурларда турли концерт ва бадиий дастурлар берилди бошланди ва эфир вақтининг кўп қисмини эгаллаб бошлади [7.30-варақ]]. Жумладан, кундузги соат 5.10-5.30 га қадар ўзбек куйларидан концерт, 10.30-11.00 га қадар европа халқлари мусиқаси ҳамда кеч соат 9.50- 12.00 га қадар бадиий ҳаваскорлар концерти бериб борилган [8.5- варақ].

Республика радиоси совет ҳукуматининг сиёсий ва мафкуравий ғояларини тарғиб ва ташвиқ қилиш билан бирга халқнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун ўз хиссасини қўшиб борди.

1930 йилнинг ўрталарига келиб эшиттиришларнинг вақти анча узайтирилди, мазмунан бойитилди. Эшиттирилаётган дастурларнинг сифати бирмунча яхшиланди. “Правда Востока” газетасининг ҳар кунги сонидан эртанги кун бериладиган эшиттиришлар дастури ҳақида қисқа-қисқа аннотациялар эшиттириб борилади. Эшиттириш дастурларини эълон қилишдан мақсад тингловчиларнинг эртанги дастурларни тинглашларини режалаштириш имконини яратиш эди.

1930 йил охирларига қадар республиканинг кўплаб вилоят ва туманларидаги қишлоқлари радиозэшиттириш дастурларини мунтазам тинглаб бориш имкониятига эга бўлдилар. Хусусан, 1933 йилдаги эшиттириш дастурларида халқнинг маънавий дунёқарашини ўстиришга, маданий ҳордиқ чиқариши учун тайёрланган эшиттиришлар берилаётган умумий дастурларнинг 54 фоизини ташкил этган бўлса, 1930 йилнинг охирларига келиб бу кўрсаткич умумий дастурларнинг 62,8 фоизини ташкил этганлигини кўриш мумкин. Бу дастурларнинг 4,9 фоизини мусиқий эшиттиришлар ташкил этган [9.5-варақ].

1930 йил охирларига келиб ўзбек тилидаги эшиттиришлар кўпайишининг бир қанча сабаблари мавжуд эди. Хусусан, бунда биринчи навбатда аҳолининг миллий таркиби ҳисобга олинган бўлиб, дастлабки даврда маҳаллий тилда дастур тайёрловчи ходимлар бўлмаганлиги ҳамда 1930 йил ўрталарига келиб бу муаммонинг ҳал этилганлиги [10,321], аҳолининг саводчилиқ даражасини ҳамда улардан келаётган мактубларни ҳисобга олиб, ўзбек тилидаги эшиттиришларнинг вақти кўпайтирилганлигида кўриш мумкин эди.

Иккинчи жаҳон уруш йиллари эшиттиришлар дастури тубдан ўзгартирилиб, радио зиммасига катта масъулият юкланди. Радио – фронт орқасининг энг жанговар, ҳозиржавоб оммавий ахборот воситасига айланди. Бу йилларда халқ радиони ҳаяжон, умид билан тингларди. Чунки кимнингдир фарзанди, кимнингдир отаси, акаси, укаси, невараси фронтда жанг қилаётган эди. Айниқса, “Фронтдан хатлар”, “Фронтга хатлар” деган эшиттиришлар кенг халқ оммасининг эътиборини ўзига тортди. Бу, фронт ва фронт ортининг ўзига хос мулоқоти эди. Ҳар куни радио даргоҳига кекса оталар, оналар келишарди. Улар: “Болам, қарагин, ўғлимдан хат борми?” ёки “Мен ҳам ўғлимга радио орқали хат юбормоқчиман, ёзиб бермайсанми, жон болам” деб мурожаат қилардилар. Тошкент радиосига ўнлаб фан, маданият арбоблари келарди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғуллом, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Уйғун, Собир Абдулла янги

ёзган шеърларини, ҳикояларини илк бор радио орқали ўқиб берардилар.

1945 йил, Иккинчи жаҳон урушида қўлга киритилган ғалабадан сўнг радио олдида янада муҳим вазифалар турганди. Уруш туфайли бирмунча издан чиққан қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-иқтисодий қурилиш, маданий ва маърифий соҳаларни юксалтиришда радиоэшиттиришларнинг ўрни жуда муҳим эди. Шу сабабли 1940 йилнинг иккинчи ярмида радио фаолияти асосан оммавий тарғибот ишлари билан боғлиқ бўлган.

1950-йилларда радионинг асосий фаолияти аввалги даврлардагидан фарқли равишда ҳукуматнинг “коммунистик ғояларини” халқ онгига “сингдириш”га қаратилди ва бу борадаги сиёсий ҳамда мафкуравий мазмундаги эшиттиришларнинг ҳажми кенгайтирилди, бу эса халқ орасида маълум даражада радиоэшиттиришлардан қониқмаслик кайфиятини юзага келтириб, қизиқарли мавзуларни кўпайтиришларини сўраб, радиога хатлар орқали мурожаатлар қилади [11,14].

Шу сабабли 1960 йил 29 январдаги КПСС Марказий Комитетининг совет радиоэшиттиришларини яхшилаш тўғрисидаги қарорида радиоэшиттиришларнинг айрим камчиликлари очиқ айтилади. Жумладан, радиода жонли ва аниқ суҳбатлар кам берилаётганлиги, тингловчиларнинг зериктириб қўйилаётганлиги, улардан келаётган хатлар асосида суҳбатлар кам уюштирилаётганлиги, узундан-узоқ эшиттиришларнинг кўп берилаётганлиги таъкидланади ҳамда дастурларни тайёрлашда омманинг кундалик турмуш тарзидан келиб чиқиб, кўнгилочар дастурларнинг бўлишига эътибор қаратиш вазифаси топширилади.

Республика ҳамда вилоят радиоси жамоаси 1960 йилнинг охирига келиб қатор ижобий натижаларга эришади. Радиодастурларда уй-жой қурилиши, ободонлаштириш, тиббиётга доир маърузалар, одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган мавзулар, айниқса, мусиқий дастурларнинг сони 1950-йилларга нисбатан 2 маротаба кўпайди [12,22].

1967 йилдан Бухорода “Хандон” радиожурнали ўз фаолиятини бошлайди. Ушбу журналнинг ташкилотчиси Неъматжон Аминов бўлган. “Хандон” эшиттиришини вилоят аҳолиси интиқлик билан кутган. Унинг бошловчилари - республикада хизмат кўрсатган артист А.Қодиров ҳамда вилоят театрининг артисти Р.Шукуровлар радиотингловчилар олқишига сазовор бўлишган. Радиожурналнинг бир неча йиллар давомида эфирга узатилиб борилган “Интермедиялар”, “Қатра хандалар”, “Донолар бисотидан”, “Чет эл юморлари”, “Ҳазил

қўшиқлар, куйлар”, “Радио фелъетон”, “Номалар-ҳангомалар”, “Хандонга жавоб ёзадилар”, “Микрофонда нордон гаплар”, “Хатлардан сатрлар” каби доимий рукнлари бор эди. “Хандон” радиоэшиттириши тингловчиларга хушқайфият, табассум улашиши билан бирга жамиятдаги баъзи ёмон иллатларнинг устидан кулиб, бу орқали бундай номаъқул ишларни қилишдан кишиларни ўзларини тийишга ўргатади. Эшиттиришда ҳажвия, юмор, интермедиялардан ташқари аниқ манзилли объектга қаратилган танқидий маълумотлар, шикоятлар ҳам муҳокама қилинган ва бу масалаларнинг ечимини топишга кўмаклашилган. Жумладан, “Хандон”нинг аралашуви билан Бухоронинг ўнлаб кўчаларига асфальт ётқизилди, Бухоро вилоят мураккаб техника, маиший асбоблар таъмирлаш бирлашмасида тартиб-интизом ўрнатилди, Ромитан туманидаги колхозлардан биридаги болалар боғчасининг иситиш тизими яхшиланди, болаларни боғчага олиб келиб, уйга элтиб қўядиган махсус машина ажратилди. “Хандон” радиоэшиттириши фаолиятдан радиотингловчиларнинг миннатдор бўлганликларини таҳририятга келган мактублардан билиш мумкин эди [13,11]. Бундан кўриниб турибдики, радио фаолияти нафақат оддий халқни, балки зиёлилар қатламини ҳам ўзига жалб эта олган. У ёритган мавзулар, кўтарган масалалар жамиятдаги барчанинг муаммо ва ютуқларини кўрсатишга қаратилган. Халқнинг маънавий оламини бойита олган.

1967-1977 йиллар давомида республика радиоси тингловчилардан 400 мингтага яқин хат олган [14,13]. Тингловчилар томонидан юборилган бу мактубларда радиоэшиттириш дастурларини ўзларининг кундалик ҳаётларида муҳим аҳамият касб этаётганлиги, дастурларни жамиятдаги барча соҳа ва ижтимоий қатлам ҳамда тингловчиларнинг ёшини ҳам ҳисобга олган ҳолда тайёрланаётганини қайд этганлар. Шунингдек, мактубларда радио фақатгина кўнгилочар дастурлар орқалигина эмас, балки ёш авлод тарбиясига ҳам ўзининг жуда катта ҳиссасини қўшаётганлиги таъкидланган.

Радиода бериладиган эшиттиришларнинг ҳаммаси тингловчиларнинг хат-хабарлари билан боғланганди. Айниқса, 1970 йилдаги “Солдат мактублари”, “Сўз беринг”, “Мактубларингизга жавоб”, “Жиддий жавоб”, “Хатларингизни хабардор кишилар шарҳлайди” ва бошқа эшиттиришлар шулар жумласидандир [15,47].

Радиотингловчиларнинг хатлари бериладиган эшиттиришларнинг оммавийлигини кўрсатувчи асосий мезон бўлган. Хатлар камайдимми, демак радиодаги бирон-бир эшиттиришга қизиқиш ҳам тугабди, деган маънони билдирган. Радиотингловчилардан

келаётган мактубларга қараб баъзи дастурлар тугатилиб ёки, аксинча, радиотингловчи редакцияга аниқ йўналиш тўғрисида хабар бериб, янги мавзу ёки эшиттиришлар ҳам тайёрланган.

Хатларда республика ҳаётидаги ҳеч бир воқеа четда қолмаган. Аксарият хатларда партия ва ҳукуматнинг мафкуравий тарғибот ва ташвиқотлари асосида “социалистик мусобақа ютуқлари” ва “меҳнат зафарлари” ҳақида, КПСС съездлари, Ўзбекистон Компартиясининг съездлари “белгилаб берган режалар”нинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида хабарлар ёритиб берилган. Бунга мос равишда радиоредакциялар томонидан КПСС МҚ 1982 йил май ва ноябр пленумларининг қарорлари мунтазам равишда радиотингловчилар диққатига ҳавола этиб турилган.

Ўзбекистонда яна бир оммалашган радиоканал - “Машъал” радиостанцияси 1979 йил 1 январидан “Сўнгги ахборот” таркибида ўз фаолиятини бошлади. Дастлаб эшиттиришларга 6 соат вақт ажратилиб, унда радиотингловчиларнинг талаб ва истаклари асосида қатор эшиттиришлар тайёрланган. “Биз сиздан мактуб олдик”, “Бир кўшиқ тарихи”, “Фонотекамиз хазинасидан”, “Муסיқа жавонингизга” рўқли туркум эшиттиришлар “Машъал” тарихининг зарварақларида ўчмас из қолдирди [16, 10].

1980 йиллар охирида Радио ахборот бўлими эшиттиришлари тингловчилари сони кўпайди. Бунга сабаб “Сиҳат-саломатлик”, “Инсон ва қонун”, “Юрист минбари”, “Одоб ва ахлоқ”, “Адабиёт”, “Эълонлар” каби эшиттиришларнинг ташкил этилганлиги бўлди. Эшиттиришларда тингловчиларнинг ўзлари бажонидил қатнашганлар. Шу боисдан унинг вақти ўн дақиқага узайтирилади [17, 12].

Узоқ йиллар мобайнида тингловчилар меҳрини қозониб келган, маънавий озуқа берувчи “Театр микрофон олдида” туркумидаги адабий-драматик эшиттиришлар дастурда учрамайди. “Ҳамроҳ” рўқлидаги кундалик эшиттиришлар эса тингловчилар билан узлуксиз бевосита мулоқот олиб бориш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш имконини берарди.

Хулоса сифатида кўрсатиб ўтиш керакки, совет ҳукумати ҳукмронлигининг сўнгги йилларида радиога диққат-эътибор янада кучайиб, радиомухлислар сафи кенгайиб борди. Бунга, биринчидан, қоғоз танқислиги туфайли аксарият вилоят, район ва шаҳар газеталари ҳафтасига бир-икки марта нашрдан чиққанлиги туфайли кишиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи асосан радиоэшиттириш билан қондирилган. Иккинчидан, телекўрсатувларда ахборот хабарлари кўпинча кечқурун берилган. Радио эса кеча-кундуз ишлаб турадиган қулай ва арзон, ҳозиржавоб ва таъсирчан ахборот манбаи бўлган.

Адабиётлар:

1. Смирнов Е. Говорит Ташкент. Москва. Т. 1932.
2. Слушают Москву. Правда Востока. 1927 йил 7 апрел.
3. ЎзМА, Р. 737-фонд, 1-рўйхат, 2617-йиғма жилд, 36-варақ.
4. Рихсиев Б. Тўлқинлар қанотида Ўзбекистон. – Т.: 1967.
5. ЎзМА, Р. 736-фонд, 1-рўйхат, 838-йиғма жилд, 48-варақ.
6. ЎзМА, Р. 736-фонд, 1-рўйхат, 611-йиғма жилд, 30-варақ.
7. ЎзМА, Р. 736-фонд, 1-рўйхат, 473-йиғма жилд, 5-варақ.
8. ЎзМА, Р. 1619-фонд, 11-рўйхат, 147-йиғма жилд, 5-варақ.
9. Хўжаев Ф. Радио фронтни қайта қурайлик /. Танланган асарлар. III том. – Т.: Фан, 1980.
10. Темиров Х. Ҳар бир эшиттириш жанговар бўлсин// Мухбир – 1963. - №7.
11. Иброхимов Ё. Ҳамиша изланишда // Ўзбекистон матбуоти. – 1965. - №1.
12. Тошкент оқшоми газетаси // 1970. январь, феврал сонлари.
13. Набиев А. “Машъал” – содиқ ҳамроҳингиз // Ўзбекистон матбуоти. – 1995. - №4.
14. Даминов М. Радио ахборот бўлими изланишда. // Мухбир. – 1989. - № 6.
15. Санжар С. Радио кучи // Ўзбекистон матбуоти. – // 2006. - №5.
16. Тожибоев И., Есин А. Октябрь радиостанциясини тингланг // Ўзбекистон матбуоти. – 1967. - №5.

(Тақризчи: М. Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).